

ИСМОИЛ ТУХТАМИШЕВ

ЧЎЛ БОЙЧЕЧАГИ

Шеърлар

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1982

Тўхтамишев Исмоил.

Чўл бойчечаги. Шеърлар. Т., «Ёш гвардия», 1982.—32 б.

Тухтамишев Исмоил. Подснежники степей. Стихи.

Уз2

Шоир ижодида дўстлик, соф севги, она ерга муҳаббат каби мавзуларга кенг ўрин берилган. Қарши чўлини ўзлаштиришдек улкан ишга бел боғлаган совет ёшлари, комсомоллар кўрсатаётган ғайрат-шижоат тўпламининг асосий мазмунини ташкил этади.

Т $\frac{70403-157}{356 (04)-82}$ 71 — 82 4700000000

© Издательство «Ёш гвардия», 1982.

ОДАМЛАР

Балиқ бўлсам, сиз денгизимсиз,
Менинг сиз-ла тириклигим рост.
Қора тунда сиз кундузимсиз,
Боқий ишда шериклигим рост.

Ҳар бир одим, ҳар бир қадамда,
Сафингизда борман, одамлар.
Хоҳ севинчда, хоҳ бўлсин ғамда,
Меҳрингизга зорман, одамлар.

КОМСОМОЛ МОНОЛОГИ

Ўтмишим эмасдир унчалик узоқ,
Кўз очдим бўронли йиллар чоғида.
Номим ҳам ёзилди ишонч-ла мутлақ,
Тарих китобининг зарварағида.

Энг оғир дамларда Ленин ғояси
Йўлимни ёритди машъал, нур бўлиб.
Орзу-ҳавасимнинг йўқ ниҳояси,
Менинг ҳар сониям шиддатга тўлиқ.

Тинмасдан интилдим доим юксакка,
Қаршимда лол қолди ғанимнинг бари.
Пойлаб ўқ отдилар ўтли юракка,
Қонимга бўялди Ҳисор тоғлари.

Қилмишин бешафқат фош этганим-чун,
Кесиб ташладилар бийрон тилимни.
Йўлидан қайтгандир дедилар, лекин
Кесолган эмаслар ўтли дилимни.

Дилимда мавж урар улкан бир ҳавас
Ҳар қандай курашнинг сафида борман.
Эл-юртни севмоқлик — бурчдир муқаддас,
Сергаклик постида мудом ҳушёрман.

Ҳар ишга мардона қатъий қўл уриб,
Безавол умримга бераман сайқал.
Қақраган чўлларни чирой очдириб,
Меҳнатдан ўзимга қўяман ҳайқал.

Олдинда бораман Данькодай ёниб,
Курашда тобланган ирода-танним.
Манзилга элтаман, менга ишониб —
Боболар топширган эстафетани.

БУЛУТЛАР

Ҳорғин-ҳорғин кезар булутлар,
Йиғлай деса етмас мажоли.
Изғишади кўкда бесамар
Қувғин бўлган кимса мисоли.

Парво қилмас уларга ҳеч зот,
Бош урса ҳам тоғлар тошига,
Булутларнинг бу кунин, ҳаёт,
Ҳеч кимсанинг солма бошига.

ОТАМГА ХАТ

Сиз-ку кетдингиз-да, қайтмадингиз ҳеч,
Онам дилларида соғинч, изтироб.
Йиллар ўтди, ҳамон диллари нотинч,
Ёзган хатларига ололмай жавоб.

Мен ҳам ишонмасман, йўқ, ўлмагансиз,
Умидлар кўнглимга бўларлар мадад.
Душман қаршисида чўкмагансиз тиз,
Балки у сиздирсиз номаълум солдат.

Дилимда мавжланар ноёб бир туйғу.
Ҳаётда бир умр яшаймиз икков.
Балки руҳингиздир у сўнмас, мангу,—
Берлин оқшомини ёритган олов.

ЧҮЛ АЛЛАСИ

Ет ўғлоним, ухлагин тинч,
Алла-ё, алла.
Кўзларингда балқсин севинч,
Алла-ё, алла.
Чўл қўшиғин куйлай сенга,
Жим бўл, қулоқ сол.
Англаб олгил қандай пайдо —
Бўлишин иқбол.

Чўлга бизни бошлаб келган
Буюк орзулар,
Амударё измимизда
Чўл шўрин ювар.
Отанг бу кун чўл бағрида
Толмай жўш урар.
Майли сен ҳам бўл чўлқувар,
Алла-ё, алла.

Юрагингда ёнар бир кун
Эзгу муҳаббат.
Сафарларга отланарсан
Ўшанда албат.
Ўзинг излаб бахтингни топ,
Ўғлоним фақат,
Етар менга гоҳ-гоҳида —
Ёзиб турсанг хат.
Бахтимга бўл соғ-саломат
Алла-ё, алла.

Ҳаёт ишқи бир кун сенга
Тутқазиб қалам,
Асир этса ҳисларингни
Оҳу кўз санам,
Шаҳар сенга туюлмасин

Сокин ва кўркам,
Қайтиб келгин, отанг каби —
Чўл қувгин, болам,
Майли шоир бўлмасанг ҳам,
Алла-ё, алла.

Қ О Р

Келмай бунча қилдинг интизор,
Қутмоқдаман бахтиёр дамни...
Сочиб бошдан совуқ аламни,
Еғар кўкдан паға-паға қор.

Кезсам-да бу оламни юз бор,
Тополмасман сендай санамни...
Сирқиратиб эски ярамни,
Еғар кўкдан паға-паға қор.

НА ЧОРА?

Бахш этиб у қизга борини,
Нола чекар тунлар бечора.
Қиз тингламас юрак зорини,
Қолаверар йигит,
На чора?

Қиз севади бир кун ўзгани,
Йўл пойлайди боқса деб зора...
Йигитнинг гар бўлса севгани,
Қолаверар қиз ҳам,
На чора?

* *

*

Жадал кетди ортига боқмай,
Қиммат билди бир бор қарашни.
Қараб қолдим киприк ҳам қоқмай,
Ор деб билдим қол деб сўрашни.

Кун судралар, тун ҳам чўкади,
Соғинтирар ҳар дам висоли.
Осмон маъюс кўзёш тўкади,
Эзиламан осмон мисоли.

М А Н З А Р А

Кун ботиб бормоқда тоғлардан пастга,
Сукутга чўмгандек жумлаи жаҳон.
Қирмизи шафақ ҳам сўниб оҳиста,
Қорая бошлайди зангори осмон.

Дарахтлар мизғийди пинакка кетиб,
Ястаниб қораяр яқин-йироқлар.
Қора тун юракка улгурмас иниб,
Борлиқни ёритар сутранг чироқлар.

ЭРТАҚЛАР

Эртак айтиб беринг, бувижон,
Болаликка қайтайин бирпас.
Афсонавий ўша қаҳрамон,
Жўш урдирсин қалбимда ҳавас.

Минган оти қилолсин парвоз,
Бориб қўнсин ойга, юлдузга.
Мўъжизалар яратсин шоввоз,
Ошиқ бўлсин энг гўзал қизга.

Ғанимлардан келолсин устун,
Отган ўқи кетмасин хато.
Фарҳод каби эл, юрти учун,
Жилов солсин дарёга ҳатто...

Эртак айтиб беринг, бувижон.
Кетгим келмас сиздан нарига.
Эртакдаги барча қаҳрамон
Етсалар бас мақсадларига.

НОМАЪЛУМ СОЛДАТГА

Тепангга келди-ю, эгиб бошини.
Ўй суриб ўлтирди бир кекса она.
Тиёлмади сира кўздан ёшини,
Балки у онангдир, балки бегона.

Мен ҳам келган эдим зиёратингга,
Узоқ туриб қолдим она қатори.
Тасанно ўқидим шижоатингга,
Эл-юрт деб кўз юмган ватан сардори.

Сен асли ким эдинг, отинг номаълум,
Лек номдор ўғилсан она-Ватанга.
Қайси бир миллатдан — зотинг номаълум,
Тепангда порлайди мангу аланга.

Гувоҳи эмасман урушнинг, аммо —
Даҳшати маълумдир — қайтмаган отам.
Эл-юртни севганлар ўлмайди асло,
Абадий яшайсан дилларда сен ҳам!

ОНАЖОН

Мақсад бошлаб, кетар бўлдим, бўл дединг омон,
Мунисгинам, оқ йўл тилаб кузатиб қолдинг,
Кўзингда ёш, толе ёр деб узатиб қолдинг,
Ортга қайтиб қучгим келди сени, Онажон.

Бир сония ҳамдам бўлиб дилрабо жонон,
Чертиб ўтди чертилмаган кўнгил торимни.
Таъриф айлаб бермоқ учун ўшал ёримни,
Қалдирғочдек учгим келди сенга, Онажон.

Туш кўрибман, юксакдаман, остимда осмон,
Бахтиёрман, аримасмиш кулги лабимдан...
Қувончимни ва бахтимни ёниқ қалбимдан,
Юксаклардан сочгим келди сенга, Онажон.

Тор кўринур сенинг бағринг олдида жаҳон,
Оташ меҳринг қаршисида заррадир қуёш.
Сен ўзимга оламдаги энг содиқ сирдош,
Юрагимни очгим келди сенга, Онажон.

* *
*

Яна қайта баҳор келди, жилмайиб боқди қуёш,
Яна қайта ўт, кўкатлар кўтардилар ердан бош.

Яна қайта тўлиб оқди катта дарё, тошқин сой,
Яна қайта узун тунлар шуқуҳланди кўкда ой.

Яна қайта бошлангайдир боғда булбул нолиши,
Яна қайта учар бошдан ошиқларнинг ўй, ҳуши.

Яна қайта лолаларга бурканмишдир қир, адир,
Яна қайта севишганлар нигоҳларни тортадир.

Бир замонлар атрофимга разм солиб тўймасдим,
Қара дея қистаб сени, ўз ҳолингга қўймасдим.

Барча кетган латофатлар қайтиб келди, эй, дилдор,
Фақатгина сен келмадинг ҳузуримга қайта бор.

Шундан, кўнглим ололмади шўх қушларнинг нағмаси,
Гар ёнимда сен бўлмасанг, бекор экан ҳаммаси.

СОНЕТ

Дуч келдик биз кечроқ ногаҳон,
Бефойдадир энди дил оҳи.
Қалбда қолди туйғулар пинҳон,
Бутун умрим бунинг гувоҳи.

Хайрлашдик шу лаҳза, шу дам,
Сурат каби қотиб турмадик.
Висол онин кўмсаганда ҳам,
Хатлар ёзиб суриштирадик.

Ҳис қилганча яшаймиз фақат
Бу ҳаётда борлигимизни,
Ва англаймиз: эзгу муҳаббат,
Оташ қалбга зорлигимизни.

Раҳна солмай деб турмушларга,
Қирмагаймиз ҳатто тушларга.

Ю Л Д У З И М

Теварак жим, сокин, теварак сўлим,
Сен томон бари бир бошламас йўлим,
Нетай чўзган билан етмагай қўлим,
Термулиб ётибман сенга, юлдузим.

Мен ҳам балки мингта шайдонинг бири,
Қизиқтириб қолди самонинг сири,
Балки ўзинг бирор инсон тақдири,
Термулиб ётибман сенга, юлдузим.

Кўкка меҳр қўйди Улуғбек бобом,
Неча замон ўтди, боқийсан мудом,
Кузатишлар ҳали этади давом,
Термулиб ётибман сенга, юлдузим.

Тунлар файзлидир чеҳранг туфайли,
Ватаним кўкида — гўзаллик сайли,
Мени юксакларга чорлайвер, майли,
Термулиб ётибман сенга, юлдузим.

* *

*

Эркалайди тонгги шаббода,
Дилни чулғар бир олам қувонч.
Бахтинг мен деб пурвиқор тоғда
Чўққиларга чорлаган ишонч —
Сен эмасмисан?!

Жўш урса-да танамда қоним,
Ёзилмайди мен севган ғазал.
Қийналади ҳижронда жоним,
Зориқтирган кун бўйи ўшал,—
Сен эмасмисан?!

Кўкдан ҳорғин боқади қуёш,
Жимирлайди ўйимдай сароб.
Лолаларни эгилтирган бош,
Япроқларга сочилган офтоб —
Сен эмасмисан?!

Узун кунлар бузилар тинчим,
Оромимни олгандай биров.
Олисларга термуламан жим,
Уфқларда сочилган олов —
Сен эмасмисан?!

СУНЪИЙЛИК

Сунъий нарсаларни ўйлаб топдик биз,
Муаммо дардига изладик тадбир.
Соҳилга тўш урган бу сунъий денгиз —
Урнида барханлар бор эди тақир.
Осмон сирларининг кўплари аён,
Музейда сақланар ойдан келган тош.
Юлдузлар сирини этмоқда баён;
Ойга биз қўндирган бир «сунъий йўлдош».
Инсоннинг танида керак бўлса гар,
Сунъий томирларда айланади қон.
Темирдан ясалган митти одамлар,
Хизматни биздан ҳам бажарар чаққон.
Ҳали ечилажак минглаб муаммо,
Янада ёрқинроқ бўлар бу ҳаёт...
Дўстлик айланмасин сунъийга, аммо,
Ўз аслича қолсин севги, илтифот.

БАЪЗИДА

Ногаҳонда олов сочиб, бир ҳовлига ўт кетди,
Бу хабарнинг алангаси қўшниларга тез етди.

Шошилишди шунда бари асбоб олиб ёрдамга,
Ва бир зумда ҳовли тўлди ўт ўчираар одамга.

Бири қўрқмай олиб чиқди уй ичидан буюмни,
Бири ўтга сув сепади, бири тупроқ, ё қумни.

Шов-шувлардан уйқу қочиб, ўт пасайган маҳали,
Не гап дея уйдан секин чиқиб келди Мирвали.

Бор овозда сўзлай кетди ўт тушгандай юракка,
Одамларга иш буюрар, икки қўли чўнтакда.

— Қани тезроқ олгин белни анқаймасдан сен дарров,
Ана челак, сувга чопгин, қумни сепсин тез биров...

Гар бормаган бўлса-да у ёнар ўтнинг ёнига,
Лекин ишнинг боши қолди Мирвалининг номига.

БИТТА СЎЗ

Мени сенга боғлаган ҳам битта сўз,
Бемор кўнглим чоғлаган ҳам битта сўз.
Икки томон кетдик бугун иккимиз,
Бир умрга доғлаган ҳам битта сўз.

О Ж И З

Суратингни чизай дейман — қаламим ожиз,
Сендан мутлақ кечай дейман — қасамим ожиз.
Ҳар лаҳзада сенга томон учмоққа шайман,
Лекин нетай, журъатим йўқ, қадамим ожиз.

У Ч Р А Ш У В

Дилбар, сен-ла дийдор кўришдик яна,
Эҳтиросдан ёнди ташна кўнгиллар,
Висол қилди бугун яна тантана,
Ортада қолди изтиробли ой-йиллар.

Севинчимдан кўзларимда қалқди ёш,
Ҳайрон боқма сочимдаги қировга.
Қанча-қанча изтиробга бердим дош,
Бардош бердим қанча-қанча синовга.

Кўргач яна соғинчимни, севгимни,
Уртанурман сўз тополмай мен буткул.
Уқиб олгин кўзларимдан дилимни,
Бир зумгина мағрурлигинг унутгил.

Суҳбатлашсин ташна икки дил бесас,
Сўз тополмай турмайлик лол, ўйланиб,
Ўзни менга бахш айлагин бу нафас,
Етар энди юрганларим, қийналиб.

БАҲОРИМНИ, БАҲОР, МЕНГА ТОПИБ БЕР

Баҳор, келиб бутоқларга гул тақдинг,
Диллар тўлди эҳтиросга лиммо-лим.
Лолалардан қир-адирга ўт ёқдинг,
Лекин қани сен-ла кетган ёшлигим,
Баҳоримни, баҳор, менга топиб бер.

Ҳавасларим, баҳор, сенинг боғингда
Куртак ёзди, гувоҳ эдинг сен фақат.
Хазон бўлди улар сенинг йўғингда,
Ушалмаган орзуларим қатма-қат,
Баҳоримни, баҳор, менга топиб бер.

Шаббоданг дилларни қитиқлар майин,
Биринчи муҳаббат нафаси мисол.
Дер эди, ёнингда доим қолайин,
Бўлолмади лекин вафога тимсол,
Баҳоримни, баҳор, менга топиб бер.

БИРИНЧИЛАР

Бошловчи бор, дўстлар, ҳар ишда,
Қашфиётчи дегайлар уни.
Номи ўчмас, қолар тарихда,
Фахри бўлиб эли, юртининг.

Юлдузлардан гап кетса агар,
Улуғбекни эслаймиз ҳамон.
Ибн Сино номи мўътабар,
Тиббиётда тан олур жаҳон.

Самоларни забт этдик маҳтал,
Ойга учди бир неча шунқор,
Фазогирдан гап кетса аввал,
Гагаринни айтамыз такрор.

Унут бўлар кўп ҳислар, мутлоқ,
Кўп нарсадан кетармиз тониб.
Ёш бир жойга борса-да, бироқ,
Илк севгини эслармиз ёниб.

Ҳар бир ишнинг бор ғанимлари,
Санъат учун жон берди Нурхон.
Бу дунёда ҳеч вақт, дўстларим,
Бошловчига бўлмаган осон.

Билимдонмиз биз бугун жуда,
Эгалладик минг бир ҳунарни...
Қанча шуҳрат топсак-да, дўстлар,
Унутмайлик биринчиларни.

ЮР, ДИЛБАРИМ

Атрофда уфурар баҳор нафаси,
Қулоққа чалинар қушлар нағмаси,
Димоққа урилар гул, чечак саси,
Биз учун яралмиш булар ҳаммаси,
Дилбарим, юр, кетдик боғларга.

Лоладан лов ёнмиш, қара, қир-адир,
Чақмоқ чақнаса-да, томчимас ёмғир,
Баҳорнинг ҳавоси англаб бўлмас сир,
Ошиқлар учун-ку дўл ҳам бари бир,
Дилбарим, юр, кетдик боғларга.

Тошқин сой тошмоқда ҳаддига сиғмай,
Букри тол чайқалар қаддига сиғмай.
Борлиқдан қуёш зар сепини йиғмай,
Тажанг бувижонинг ахтариб чиқмай,
Дилбарим, юр, кетдик боғларга.

Шу кунни бир умр кутганлар ҳаққи,
Висолга етолмай кетганлар ҳаққи,
Орзуси ушалмай ўтганлар ҳаққи,
Ҳижронда қон-алам ютганлар ҳаққи,
Дилбарим, юр, кетдик боғларга.

ОНА УЙЛАРИ

Осойишта юлдузли осмон,
Жамолини қилади кўз-кўз.
Она кўзи йўлда нигорон,
Дарак йўқдир қизидан ҳануз.

Бир бошида турли-туман ўй,
Қўярга жой топмас ўзини.
Узатсайди тезроқ қилиб тўй,
Гап-сўз бўлмай, ёлғиз қизини.

Орзуларга бўлмайди поён,
У кутарди шодлик кунларни.
«Қиз унашиш» бўлгандан буён
Ўтказади бедор тунларни.

Куёвини кўрмаган ҳали,
Орзулари дилида қат-қат.
Хув, совчилар келган маҳали,
Кўрсатганлар суратин фақат.

Кўнглин сўрса, қиз қилди ҳаё,
Юзига ҳам қарамади тик.
Майлингиз, деб, кўрсангиз раво,
Бергандайин бўлди розилик.

Қизи келар, койимас бироқ,
Ташвишлари тарқалар дарров.
Кузатгандан беҳабар мутлоқ,
Уйигача қизини куёв.

ДЕҲҚОН

План тўлса, юз ёруғ бўлса,
Соф юракнинг тилаги шу-да.
Босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам
Ўзи каби оддийдир жуда.

Қасби кори отадан мерос,
Шуҳратни у қилмас ҳеч талаб.
Меҳнат билан ўтган куз-у ёз,
Тонгни бедор кутган қанчалаб.

Дили тўла эзгулик фақат,
Кетмасин дер меҳнат уволга.
Юрагига ҳоким муҳаббат,
Меҳри булоқ дала, ниҳолга.

Иягига ўйчан қўл тираб,
Маҳтал кутар баҳор, кўкламни.
Гоҳ қадоқли қўлига қараб,
Мен кўраман шонли ўлкамни.

ЧУЛ СЕВГИСИ

Чўлқувар Шокир Сайфутдиновга

Олов ёнар, атроф дим,
Турди бирдан тўполон.
Кўкка учди тупроқ, қум,
Кўринмай қолди осмон.

Эркагу аёл, дарров
Олди ўзин панага.
Қилгандай қайта синов,
Шамол увлар янада.

Юздан чангни сидириб,
Шокир аста тин олди.
Ва кимнидир қидириб,
Атрофга разм солди.

Кўринмас у, алҳазар,
Лапанглар эди кран.
Кранчи қиз Санобар
Тушиб улгурдимикан?!

Чопиб кетди шу топда
Қутқармоққа бўлиб шай.
Дўстларининг хитоб-ла
«Ҳай-ҳай»ига қарамай...

Келар эди Санобар,
Чангдан тўсиб юзини.
Жилмайиб савол сўрар,
Ишқаганча кўзини:

— Ие, Шокир шундай пайт
Нима қилиб юрибсиз?

— Қўрқиб кетдим, хайрият,—
Тушишга улгурибсиз...

Беихтиёр иккиси
Термулишиб қолишди.
Кўнгилда борин бесўз
Тушунисиб олишди.

МУСИЧА

Куч кўрсатди куз изғирини,
Боғлардан ҳам файз йўқолди
Хира тортди қуёш ёлқини,
Булутлар ҳам тумтайиб қолди.

Олдингидай ўтмас энди кун,
Тўкин-сочин эмас ризқу рўз.
Қушлар ўйга толдилар маҳзун,
Қаҳратонни чорламоқда куз.

— Чатоқ бўлди, дейишиб, ишлар,
Суҳбат қурди улар бир кеча.
Сўнг жанубга ошиқди қушлар...
Фақатгина қолди Мусича.

ДИЛЛАРДА ЯШАЙСИЗ

(Сергей ака Ражабов хотирасига)

Олдинда бўлмоқлик — энг муҳим шиор,
Инъом кутмасдингиз ҳеч вақт ҳаётдан.
Ҳам олим, ҳам раҳбар, уста пахтакор,
Еқасин тутарди кўплар ҳайратдан.

Ҳар ишда тер тўкиб, дилдан берилиб
Лавозим кетидан қувмадингиз, ҳай.
Шеър ҳам ёзардингиз баъзида тўлиб,
Улгурар эдингиз барига қандай?

Таъриф айламоққа ожиздир қалам,
Сиздаги муҳаббат, меҳр-шафқатни.
«Сен ёнмасанг, мен ёнмасам — ким ёнар?»
Куйлаб юрардингиз Нозим Ҳикматни.

Баъзида дилимни қопласа ғубор,
Йўл топмай чўкканда ўйловга, ғамга,
Сиз билан суҳбатдош бўлганда такрор,
Мен кириб қолардим янги оламга.

Интилиб яшагин дердингиз доим,
Тош каби қотсанг гар кўргин деб ўзда
Ҳаётни севишни ардоқлаб, майин,
Илҳомбахш яшашни ўргандим сиздан.

Баъзида бешафқат эрур бу ҳаёт,
Висолин қилади тўйдирмай кўз-кўз,
Балки ёзардингиз кўкларга қанот,
Бевақт сўнмаганда ўтли қалбингиз.

Қисқа бу умрингиз мазмунга тўла,
Рўёбга чиқмаган орзулар қат-қат.
Коммунист устозим, айтай бир йўла,
Шогирдлар дилида яшайсиз абад.

* *
*

Титрагайман дуч кепқолсанг ногаҳон,
Кутмасам-да, сендан бирор лутф-карам.
Бахтингга-ку куймас эдим ҳеч қачон,
Бахтсизлигинг эзар мени, эй, санам.

ҚИЗ ҚУШИҒИ

(Синглимнинг дафтарига)

Чўзиқ-чўзиқ қичқирар хўроз,
Далаларга қўнмоқда кеч ҳам.
Ёнар йигит кўзида ихлос,
Кетгимиз йўқ уйларга ҳеч ҳам.
Сой оқади шилдираб ҳорғин,
Биз тинглаймиз ҳикоясини.
Ўйларимиз сой каби узун,
Илғаб бўлмас ниҳоясини.
Вақтга хомуш қилишиб имо,
Ажраламиз боқишиб, зимдан.
Уйга хурсанд қайтаман, аммо,
Гап эшитгум такрор бувимдан:
— Қайда эдинг, бўйинг чўзилгур,
Шу вақтгача юрарми қиз ҳам.
Бинойидек ўтказдик умр,
Қўча юзин кўрмайин биз ҳам.
Ёноқларим лоларанг бўлиб,
Мен жойимга ётаман аста...
Уша йигит тушимда кулиб,
Келтиради менга гулдаста.

ХАБАР БЕРИНГ

Баъзан озроқ юришмай ишим,
Ботар бўлсам ташвишга, ғамга,
Тўғри йўлга бошловчи кишим —
Хабар беринг дастлаб онамга.

Бахтим кулиб, дўстларим, бир бор,
Довруқ солар бўлсам оламга,
Қувонгувчи юракдан ошкор —
Хабар беринг дастлаб онамга.

ШЕЪРИМГА

«Шеърим яна ўзинг яхшисан».
(Усмон Носир)

Енгил-елпи ҳавасдан тониб,
Шеърим, қайтдим яна ўзингга.
Ва тепангда ўлтирдим ёниб,
Жило бердим ҳар бир сўзингга.

Кечир, сени унутиб якка,
Ёт юксакни кўзлабман бир зум.
Ҳавойи ишқ тушиб юракка,
Ўзга йўлни излабман бир зум.

Дилимга сол сен қайта туйғу,
Мен ҳажрингда аламлар ютай,
Муҳаббатим сенгадир мангу,
Тақдиримни қўлингга тутай...

* *

*

Бағрингни оч баҳорга, эркам,
Уйга толма, етар энди, бас.
Ғаниматдир ахир ушбу дам.
Тўйиб-тўйиб олайлик нафас,
Бағрингни оч баҳорга, эркам.

Шодлик куйи янграсин такрор,
Тарқаб кетсин танбал хаёллар.
Дилгинангдан қувилиб ғубор,
Эркалатсин сени шамоллар,
Шодлик куйи янграсин такрор.

Келгин, аста тутай қўлингдан,
Вужудингда қўзғатай ғулу.
Шу баҳорга нафис дилингда,
Бир умрга ўрин бер, сулув,
Келгин, аста тутай қўлингдан.

ЎЗГАН ХАТИНГДА

Кутган эдим кўпдан интизор,
Кунлар санаб, тонг кутиб бедор,
Муҳаббатга бўлибсан иқрор,
Ёр, ўртаниб ёзган хатингда.

Дил розингни этибсан баён,
Ва қилибсан аҳд ила паймон,
Кўз олдимда бўлдинг намоён,
Ёр, ўртаниб ёзган хатингда.

Сув келтирдим, ўстирдим гулла
Чирой очди бу қадим чўллар.
Олисни деб сўрабсан, йўллар,
Ёр, ўртаниб ёзган хатингда.

Ёнимга кел, на сув, на олов —
Севгимга ҳеч бўла олмас ғов,
Суратингни айлабсан сийлов,
Ёр, ўртаниб ёзган хатингда.

О, ОНА ШАҲРИМ

Номинг ёзилганди чўл деб, ҳойнаҳой,
Бу қадим тарихнинг чўнг китобида.
Кундан-кун яшнарсан, очасан чирой,
Кенгайиб борурсан чўл ҳисобига.
Эртаси мунаввар, сен мангу фаҳрим —
О, она шаҳрим!

Одамлар чарчамас диёрин мақтаб,
Ногаҳон гап очсанг, кетишар илиб.
Бу кун ҳаяжонда тўлқинланиб қалб,
Буюк равнақингдан сўзларман тўлиб.
Эртаси мунаввар, сен мангу фаҳрим —
О, она шаҳрим!

Фарзандларинг кўкда этса-да, парвоз,
Сенга қаратилган юрагин чўғи.
Мадҳингни куйлашар, битишар баёз,
Баралла янграгай «Қарши қўшиғи».
Эртаси мунаввар, сен мангу фаҳрим —
О, она шаҳрим!

Йиллар ўтиб борар — умр камоли,
Вақт келиб, қолармиз бизлар ҳам қариб.
Сен бизнинг ёшликнинг бўлиб тимсоли,
Мангу қоладирсан гуллаб, ёшариб.
Ҳар доим боққанда очилгай баҳрим —
О, она шаҳрим!

МУНДАРИЖА

Одамлар	3	Ожиз	18
Комсомол монологи	4	Учрашув	18
Булутлар	5	Баҳоримни, баҳор, менга толиб бер	19
Отамга хат	5	Биринчилар	20
Чўл алласи	6	Юр, дилбарим	21
Қор	7	Она ўйлари	22
На чора?	7	Деҳқон	23
Жадал кетди	8	Чўл севгиси	24
Манзара	8	Мусича	25
Эртақлар	9	Дилларда яшайсиз	26
Номаълум солдатга	10	Ҳеч қачон	27
Сонет	11	Қиз қўшиғи	27
Яна қайта баҳор келди	12	Хабар беринг	28
Онажон	13	Шеъримга	28
Юлдузим	14	Баҳорга эркам	29
Сен эмасмисан	15	Ёзган хатингда	30
Сунъийлик	16	О, она шахрим	31
Баъзида	17		
Битта сўз	18		



На узбекском языке

Исмоил Тухтамишев

ПОДСНЕЖНИКИ СТЕПЕЙ

СТИХИ

Ташкент, издательство «Еш гвардия», 1982.

Редактор Анвар Обиджон
 Рассом Б. Шарипов
 Расмлар редактори А. Ғулумов
 Техн. редактор Л. Буркина
 Корректор С. Сайдолимов
 ИБ № 1028

Босмаҳонага берилди 16. 10. 1981 й. Босишга рухсат этилди 23. 12. 1981 й.
 P 14484. Формати 70×108¹/₃₂. № 1. босма қоғозга «Литературная» гарнитурда
 юқори босма усулида босилди. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,4.
 Нашр листи 0,864. Тиражи 10000. Шартнома 80-81. Ваҳоси 10 т. Заказ 21.
 Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент,
 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
 Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига
 қарашли 2-босмаҳонаси, Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.